

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВ БОБИР ШАРОПОВИЧ

**ШАХСЛАРАРО МЕҲРИЛИК ДАРАЖАСИНИ ТИЗИМЛИ
СОЦИОЛОГИК АССЕССМЕНТЛАШ ОРҚАЛИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

22.00.03 - Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

**Социология фанлари бўйича фан доктори
(DSc) илмий даражаси учун**

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Каримов Бобир Шаропович

Шахслараро меҳрлилик даражасини тизимли социологик ассесментлаш орқали оптималлаштириш3

Каримов Бобир Шаропович

Оптимизация уровня межличностной доброты через системного социологического ассесмента..... 29

Karimov Bobir Sharopovich

Optimizing the level of interpersonal kindness based on a systematic sociological assessment..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВ БОБИР ШАРОПОВИЧ

**ШАХСЛАРАРО МЕҲРИЛИК ДАРАЖАСИНИ ТИЗИМЛИ
СОЦИОЛОГИК АССЕССМЕНТЛАШ ОРҚАЛИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

22.00.03 - Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

**Социология фанлари бўйича фан доктори
(DSc) илмий даражаси учун**

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/S21 рақам билан рўйхатга олинган.

Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Бекмуродов Мансур Бобомуродович социология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Холбеков Абдуғани Жуманазарович социология фанлари доктори, профессор
	Жўраев Қодир Асадович сиёсий фанлар доктори, профессор
	Мусурманова Айниса педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунини тарқатилди. (2021 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Б.Матибаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, социология фанлари доктори, профессор

Ш.М.Содиқова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, социология фанлари доктори, профессор

Ф.Я.Парманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда меҳр омили инсоният ҳаётида ҳам ижтимоий, ҳам юксак маънавий қадрият сифатида эъзозланиб келинган. У жамиятда соф инсоний муносабатларнинг квинтэссенцияси¹ ҳисобланади. Меҳр ҳодисасининг ижтимоий моҳияти одамларни яхшилик йўлида бирлаштирувчи куч тарзида намоён бўлади. Меҳр омили гуманистик мақсадларга эришиш учун ҳам рационал, ҳам ҳиссий эмоционал асосларга таянади. Унда жамоатчилик фикрини ижобий томонга ўзгартира олиш қудрати асосий социологик парадигма тарзида талқин этилади. Меҳр ва меҳрлилик ҳодисаси ижтимоий муносабатлар тизимини барқарорлаштириш ва ривожлантиришда катта имкониятларга эгадир.

Жаҳонда меҳрни англаш ижтимоий муносабатларнинг дастлабки кўриниши сифатида онанинг фарзандига бўлган муносабатида намоён бўлиши тарзида талқин этилган. Меҳрнинг индивидлараро ахборот алмашинуви, шахснинг бошқа шахс ва жамоаларга ўтказадиган таъсири, инсонларнинг бир-бирига ҳамдардлиги, ҳамкорлиги, хайрихоҳлиги жиҳатлари ҳам тадқиқ этилган. Меҳр омили муносабатларни позитив йўналишга олиб кириш ва ўзаро консенсус муҳитига эришиш занжирида асосий рол ўйнайди.

Мамлакатимизда меҳр омили шахслараро муносабатларни янада яхшилаш ва бошқаришда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Меҳр жамиятда фуқароларни муайян позитив муҳит, ишонч, самимият, эркинлик, хотиржамлик, бахтиёрлик асосига қурилган воқеликка чорлайди. «Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур»². Меҳр воқелиги ҳар бир инсонда шукроналик, бахт, яшашга ишонч, эзгуликка умид, келажакка интилиш ҳиссини уйғотади ва ривожлантиради, шунингдек, меҳр воқелиги ижтимоий муносабатларда келишмовчилик ва низоли жараёнларнинг олдини олишга хизмат қилишини социологик тадқиқ этишда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида», 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги ВМ-222-сон «2010-2020 йилларга

¹ Квинтэссенция - энг асосий, муҳим, моҳиятни очиб берувчи.

² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж-2. – Тошкент: НМИУ, 2018. –Б.229.

мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократия ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш йўналиши» доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Шахсларо меҳрлилик даражасини тизимли социологик ассессментлаш орқали оптималлаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан, University of Sorbonne (Франция), Otto-Friedrich-universitat Bamberg (Германия), University of London (Буюк Британия), Ал-Азхар университети (Миср), Калифорния университетининг (UCLA) «Бедари меҳрибонлик институти», Лос-Анжелес университетининг Социология бўлимида жойлашган «Хайр-эҳсон институти» (АҚШ), Москва давлат университетига инсон ресурслари билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шахсларо меҳрлилик даражасини тизимли социологик ассессментлаш орқали оптималлаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: «Етакчиликдаги меҳрибонлик» («Kindness in Leadership»)³ асари Гай Хаскинс, Майкл Томас, Лалит Жоҳрилар томонидан ёзилган; Ферриал Пеарсоннинг «Меҳрибонликнинг яширин агентлари» («Secret Agents of Kindness»)⁴ асарида инсонларо ҳамдардлик кўрсатиш одамлар ҳаётини ўзгартира оладими? Меҳрибонлик агентлари кимлар? каби саволлар доирасида ўтказилган тадқиқотлар таҳлил қилинган; Девид Р.Хамилтоннинг «Нега меҳрибонлик сиз учун яхши» («Why Kindness Is Good for You»)⁵ асари маданий ва табиий борлиқдаги реалликлар қандай қилиб бизнинг раҳм-шафқатли бўлишимизни асослаши билан қимматлидир; Пегги Пайне ва Аллан Луксларнинг «Яхшилик қилишнинг шифобахш кучи» («The Healing Power of Doing Good»)⁶ номли асарида «Бошқаларга ғамхўрлик қилганда биз ўзимизга ғамхўрлик қиламиз», деган фикрни илгари суради. Меҳрлилик

³Gay Haskins, Michael Thomas, Lalit Johri. Kindness in Leadership. Edited By. Copyright Year 2018. (<https://www.routledge.com/Kindness-in-Leadership/Haskins-Thomas-Johri/p/book/9781138207349>).

⁴Ferial Pearson. Secret Agents of Kindness. (<https://www.spreadingkindnesscampaign.org/wp-content/uploads/2019/04/Secret-Agents-of-Kindness.pdf>).

⁵David R. Hamilton. Why Kindness Is Good for You. (<https://www.amazon.com/Why-Kindness-Good-David-Hamilton/dp/1848501781>).

⁶Peggy Payne and Allen Lux. The Healing Power of Doing Good. (<https://books.google.co.uz/books>).

даражасини ассесментлашга оид махсус тадқиқотлар амалга оширилиб, унинг ижтимоий-социологик жиҳатлари илмий асосланган.

Шахсларо меҳрлилик даражасини оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан, устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: меҳр соғлом ва бахтли ҳаёт кечиришга ёрдам бериши, меҳрибонлик қилиш учун шахсий ҳаётини қандай қилиб ижтимоийлаштириш ва одамларга меҳр бериб, бахтли бўлиш мумкинлигини билиб олиши; ташкилотларда меҳрлиликнинг ўзаро намоён бўлиши, улардаги ўхшашлик ва тафовутларни шахснинг жинси, ёши, касби, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий гуруҳланишига кўра таҳлил қилиш орқали шахсларо меҳрлилик даражасини мустаҳкамлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳр ва меҳрлилик ҳодисаси қадимдан инсоният учун долзарб муаммо бўлиб келган. Жумладан, инсон, унинг руҳияти, жамиятнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги фикрлар қадимги юнон файласуфлари Суқрот, Афлотун, Арасту⁷ ва бошқалар, Шарқда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, Закариё ар-Розий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур⁸ ва бошқа алломаларимиз асарларида мазкур масала атрофлича тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан В.Гегель, И.Кант, М.Шелер, Э.Фромм, З.Фрейд⁹ ва бошқаларнинг асарларида меҳр тушунчасига яқин терминлар (эмпатия, симпатия, адаптация ва ҳ.к.)нинг инсоний муносабатларни яхшилаш имкониятлари тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. Социологиянинг мумтоз вакиллари О.Конт, М.Вебер, Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, Г.Зиммель, Ф.Тённис, П.Сорокин¹⁰ ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар томонидан меҳрга ёндош ва яқин назарий концепциялар социологик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. МДҲ мамлакатлари социолог, педагог ва психолог олимларининг Н.С.Кузанский, Б.Н.Попов, Н.И.Губанов, В.Н.Соколова, Э.Гоффман, В.Г.Властовский¹¹ ва бошқаларнинг назарий ишланмалари мавжуд.

⁷ Қаранг: Аристотель. Соченения в 4-х томах.Т.2. –М.:Мысль,1978. С.-704.; Бекон Ф.Сочинения в двух томах.Т.2. –М.:Мысль, 1978. С.-482.; Бёме Я.Сорок вопросов о душе.-М.: София, 2004.- С-108.; Беседы Эпиктета. -М.: Ладомир, 1997. С.-312.; Платон. Сочинения в трех томах.Т. 2. –М.: Мысль, 1970. С.-608.;

⁸ Қаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993 й. 83-бет; Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат–ул Қулуб (Қалблар кашфиёти) Тошкент: Адолат, 2002 й. 98-бет.; Ибн Сино. Тип қонунлари.– Тошкент.:1978 й. 154-бет.; Абу Райҳон Беруний. Асарлар. –Тошкент. Ғафур Ғулом нашриёти, 1996 й. 275-бет.; Ар-Рази. Духовная медицина. - М.: 1992 г.С.-64.; Навоий А. Хамса.–Тошкент. Ғафур Ғулом нашриёти, 1989 й. 244-бет.; Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Сабъаи сайёр. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти Тошкент-1992 й. 165-бет.

⁹ Қаранг: Гегель. Философия религии в двух томах.Т.1. -М.: Мысль, 1976. - С.-404.; Ницше Ф. Собрание сочинения. Т. 2. - М.: Мысль,1996 - С.-604.; Кон И. Дружба. Этико–психологический очерк. –М.: Политиздат, 1980. С. – 256.; Вардиман Е. Женщина в древнем мире. -М.: Наука, 1990. - С.-336.; Вейлингер О. Пол и характер. - Ростов на Дону, Феникс, 1998. С-608.; Лейбниц Г.В. Сочинения в 4–томах. Т. 4. –М.: Мысль, 1989. С.-508.; Маркузе Г. Эрос и цивилизация. –М.: АСТ, 2002. – С.-528.

¹⁰ Конт О. Курс положительной философии. В 6 т. -Т.1 Санкт-Петербург: «Посредник», 1900. –С. -163.; Шелер М. Сущность и формы симпатии. // Horizon. Феноменологические исследования. 2017г. №2 (12). – С-303-319.; Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество: Пер. с англ. / Общ. ред., сост. и предисл. А.Ю. Соломонова. - М.: Политиздат, 1992. -С.-250.; Спенсер Г. Основания социологии. Западноевропейская социология. –М., 1996. - С. -279–321.

¹¹ Кузанский Н. Сочинения в двух томах. Т.2. –М.: Мысль, 1980. –С–388.; Попов Б.Н. Взаимосвязь категорий счастья и смысла жизни. -М.: Наука, 1986. –С.-85.

Мамлакатимиз олимларидан М.Н.Болтаев, М.Б.Бекмуродов, А.А.Умаров, А.Ж.Холбеков, Т.Б.Матибоев, Ш.М.Содиқова, Т.К.Нарбаева, Ғ.Б.Шоумаров, М.Қуроноф, Н.С.Алиқориев, Г.Н.Наврўзова, А.А.Хусенова, Ш.Р.Баротов, А.П.Сейитов, К.К.Калонов, О.У.Абдуазимов, Х.Шайхова, Ғ.Раҳмонов¹² ва бошқаларнинг ишларида оила муаммоларини тадқиқ этиш, фарзанд тарбиясида катта авлоднинг ўрнига қаратилган бир қатор илмий ишлар фалсафий-социологик тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда умуминсоний кадриятлар, меҳр-муҳаббат, оила маънавияти, фарзанд тарбияси, шахслараро муносабатлар, ижтимоий адолат, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари социологик жиҳатдан таҳлил этилган. Меҳр ва меҳрлиликнинг ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришдаги ўрнини социологик ўрганиш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ – 20170929253. «Давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усулларини жорий этиш (2018-2020 йй.)» илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Янги асосда барпо этилаётган Ўзбекистонда шахслараро муносабатларни тизимли тадқиқ этиш ҳамда меҳрлилик даражасини социологик ассессментлаш орқали оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меҳр ва меҳрлилик тушунчаларининг илмий ҳамда эмпирик асосларини тадқиқ қилиш ва инсон омили ролининг устуворлашиш қонунини социологик таҳлил қилиш, шахслараро муносабатларда меҳрнинг шаклланиши, барқарорлашуви ва юксалиш тенденцияларини аниқлаш;

меҳрнинг тарихий илдизларини тадқиқ этиш орқали миллий кадриятларимизнинг бугунги кундаги барқарор иш имкониятлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Меҳрсизликнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий оқибатларини социологик таснифлаш ва уларнинг негатив ривожланиш сабабларини назарий асослаш;

меҳр ва меҳрлилик тушунчаларининг Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари томонидан назарий талқин этилишини таснифлаш, миллий турмуш тарзимиздаги меҳрнинг олинисини кадрият сифатида эъзозланиши қаторига

¹² Шайхова Х. Маънавият камолот кўзгуси. Сайланма. –Ғ.Фулум. 2009 й. 102-бет.; Қаюмова А. Нодир саҳифалар. -Т.Фан.1991 й. 54-бет.; Раҳмонов Ғ. Меҳр–муҳаббат юксак маънавий кадрият. -Т.2011 й.68-бет.; А.Хусейнова. Шарқ мутафаккирлари дунёкарашида умуминсоний кадриятлар. -Т.2017 й. 46-бет.; Шоғуломов Р. Аёл муқаддасан. -Т.: Ёзувчи. 1999 й. 73-бет.; Ҳомидов Х. Қирқ беш аллома ҳикояти. -Т.: Фан. 1995 й. 55-бет.

меҳр бериш қадриятини ҳам тенг кучли дискурс сифатида жорий этилиши заруратини илмий асослаш;

меҳр ва меҳрлиликнинг таянч тушунчаларини аниқлаган ҳолда бир ўлчамли мезонлар орқали баҳоловчи шахслараро «Меҳрлилик даражасини баҳолаш индикатори» шкаласини яратиш, шахслараро муносабатларда меҳрлилик ҳолатини аниқлаш ва индекслар мажмуини ишлаб чиқиш;

замонавий оилавий муносабатларда оила аъзоларининг бир-бирига бўлган меҳрлилик даражасини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, меҳр тушунчасининг ижтимоий муносабатларнинг консенсус даражасида юксалтиришдаги ролини асослаш, замонавий раҳбар имиджини шакллантиришда soft skills - юмшоқ кўникмаларни ривожлантиришда меҳрнинг ўрни ва ролини аниқлаш белгиланган.

Тадқиқотнинг объекти. Шахслараро муносабатларда меҳр ва меҳрлилик даражаси.

Тадқиқотнинг предметини шахслараро муносабатларда меҳрлилик муҳитини яратиш ҳамда меҳр бериш механизмини шакллантириш, барқарорлаштириш ва ижтимоийлаштиришнинг социологик жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, комплекс ёндашув, анкета сўрови, интервью, фокус-гурӯҳ, кузатиш, қиёсий таҳлил, контент таҳлил, эксперт сўрови каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

«меҳр», «меҳр маданияти», «меҳрлилик», «меҳр ҳодисаси», «меҳр воқелиги», «меҳрга асосланган муносабатлар», «меҳр-оқибат» каби тушунчаларга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, унинг мазмуни ва ижтимоий муносабатларни позитивлаштиришдаги роли асосланган;

меҳрлиликнинг ижтимоий фойдалилик коэффиценти ва меҳрсизликнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий деградацияга олиб боровчи функциялари аниқланиб, ижтимоий муносабатларда меҳр асосида амал қилиш хусусиятлари (глобал, миллий, гуруҳий, оилавий, корпоратив, вертикал ва горизонтал) очиб берилган;

янги Ўзбекистонда маърифатли жамиятни барпо этишда фуқароларни ўзаро жипслаштирувчи меҳр компонентларини тизимлаштириш ҳамда барқарорлаштиришда бир ўлчамли «Меҳрлилик даражасини баҳолаш индикатори» ишлаб чиқилган;

меҳрсизликнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий оқибатлари социологик таснифланди ва уларнинг негатив ривожланиш сабаблари назарий асосланган;

миллий турмуш тарзидаги меҳрнинг олиншини қадрият сифатида эъзозланиши қаторига меҳр бериш қадриятини ҳам тенг кучли дискурс сифатида жорий этилиши зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Меҳр ва меҳрлиликнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, шахслараро муносабатларда ўзаро меҳрлиликни шакллантириш, барқарорлаштириш, оммалаштириш орқали шахснинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган социологик тадқиқот дастури таклиф этилди;

меҳрсизликнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий оқибатлари аниқланди. Меҳрнинг умуминсоний терминал кадриятлар контекстида шахслараро, оилавий, гуруҳлараро, миллатлараро, динлараро, маданиятлараро гуманитар муносабатларни мустаҳкамловчи омил сифатидаги роли аниқланди;

«меҳр» ва «меҳрибонлик» тушунчаларининг мазмуни дискурсив асосланди ва бир ўлчамли баҳоловчи шахслараро «Меҳрлилик даражасини баҳолаш индикатори» ҳамда шахслараро муносабатларнинг меҳрлилик даражасини аниқлаш индекслари ишлаб чиқилди;

мавзу доирасида Ўзбекистонда шахслараро меҳрлиликка асосланган «Янги Ўзбекистон – маърифий жамият»ни барпо этишнинг илмий-назарий асослари очиб берилган;

оила аъзоларининг бир-бирига бўлган корпоратив меҳрлилик даражасини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

меҳрнинг ижтимоий муносабатларни консенсус даражасига кўтаришдаги роли асосланган, замонавий раҳбар кадрларда soft skills–юмшоқ кўникмаларни ривожлантиришда меҳрнинг функциялари кўрсатиб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон Қарорида «Мустақил ҳаётга кириб бораётган 18 ёшли ҳар бир ўзбекистонлик йигит-қизда махсус тарбияланиши шарт бўлган 10 та таянч компетенциялардан бири «меҳр-оқибатлилик» 5-компетенция сифатида киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, аҳоли турли қатламлари орасида ўтказилган эмпирик социологик тадқиқот, мутахассислардан ўтказилган эксперт сўрови, фокус-гуруҳ тадқиқотлари, кузатув методи асосида олиб борилган тадқиқотлар, эълон қилинган мақолалар ва монография, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда эришилган натижаларнинг илмий аҳамияти жамият тараққиётининг маънавий омилларини давлат ва жамият фаолияти учун комплекс тарзда таҳлил қилиш ва ушбу тизимни янада такомиллаштириш жиҳатларини чуқур тадқиқ қилишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг ғоя ва материалларидан шахслараро меҳрлилик даражасини баҳолашда, шахснинг меҳрлилик индексини ишлаб чиқишда, оила, меҳнат жамоаси, вақтинчалик

бирлашган ижтимоий гуруҳларда меҳрлилик муҳитини яратишда, раҳбарнинг ижобий имиджини шакллантиришда, жамоатчилик фикрини ўрганиш марказлари томонидан ўтказиладиган ижтимоий сўровларда, олий ўқув юртларида «Социология», «Социологик тадқиқотлар методи ва техникаси», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Маданиятшунослик», мактабларда «Тарбия» фани бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахслараро меҳрлилик даражасини тизимли социологик ассессментлаш орқали оптималлаштиришни тадқиқ этиш борасида олинган илмий натижалар куйидаги фаолиятларга татбиқ қилинган:

«меҳр», «меҳр маданияти», «меҳрлилик», «меҳр ҳодисаси», «меҳр воқелиги», «меҳрга асосланган муносабатлар», «меҳр-оқибат» каби тушунчаларга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, унинг мазмуни ва ижтимоий муносабатларни позитивлаштиришдаги роли асосланганлигига оид таклифидан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг «Узлуксиз маънавий тарбия хусусиятлари» деб номланган учинчи бўлими 16-хатбошисида «Мустақил ҳаётга кириб бораётган 18 ёшли ҳар бир ўзбекистонлик йигит-қизда махсус тарбияланиши шарт бўлган 10 та таянч компетенциялар «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилди», деб «меҳр-оқибатлилик» 5-компетенция сифатида киритилишида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 6 августдаги 02\08-922-сонли далолатномаси). Натижада ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғини кесимида меҳр муҳити ва шахсларда меҳрлиликни англаш имкони ортган;

меҳрлиликнинг ижтимоий фойдалилик коэффициенти ва меҳрсизликнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий деградацияга олиб боровчи функциялари аниқланиб, ижтимоий муносабатларда меҳр асосида амал қилиш хусусиятлари (глобал, миллий, гуруҳий, оилавий, корпоратив, вертикал ва горизонтал) очиқ берилганлигига оид таклифи «Бухоро» телеканалида 2019 йилнинг 3 ва 16 декабрь кунлари эфирга узатилган «Менга сўз беринг», «Муносабат», «Ассалом, Бухоро»; 2019 йилнинг 11 февраль ва 15 март кунлари эфирга узатилган «Жаҳон тамаддуни дурдоналари», «Асрларнинг асраганлари» телекўрсатувлари; «Бухоро» радиосининг 2020 йил 18 январь ва 6 февраль кунлари эфирга берилган «Мулоқот ва мунозара», «Қадриятлар қадим бешиги» радиоэшиттиришлари сценарийларида фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 июндаги 2\139-сонли далолатномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши кўрсатувларнинг мушоҳадаларга бой бўлиши ва илмий-оммабоплигини таъминлашга, телетомошабинларда меҳр тушунчаси, меҳрсизликнинг ижтимоий

оқибатларини англанишига, авлодлар ворисийлигини сақлашда меҳр муносабатларининг таъсири, миллий маънавиятни юксалтиришда ва оилага бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтиришга хизмат қилган;

янги Ўзбекистонда маърифатли жамиятни барпо этишда фуқароларни ўзаро жипслаштирувчи меҳр компонентларини тизимлаштириш ҳамда барқарорлаштиришда бир ўлчамли «Меҳрлилик даражасини баҳолаш индикатори» ишлаб чиқилганлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг «Бахтиёр оила - бахтли жамият асоси» 62-12\133-сонли Бухоро вилоят «Сайқал» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан 2019-2020 йилларда грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2021 йил 31 июлдаги 18\8-404-сонли маълумотномаси). Натижада оилавий муносабатларнинг маданий даражасини ривожлантиришга, халқимизда меҳр ва меҳрлилик тушунчаларининг шаклланишига, ёш оилаларнинг дунёқараши ва маданиятини янада бойитиб бориш имконини берган;

меҳрсизликнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий оқибатлари социологик таснифланди ва уларнинг негатив ривожланиш сабаблари назарий асосланганлиги бўйича тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурининг» VIII. «Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар» бандини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази 4 май 2020 йилдаги 02/08-642-сонли маълумотномаси). Натижада жамиятда меҳрсизликнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий оқибатларини олдини олиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган; миллий турмуш тарзидаги меҳрнинг олиншини қадрият сифатида эъозланиши қаторига меҳр бериш қадриятини ҳам тенг кучли дискурс сифатида жорий этилиши бўйича тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасининг 2.в. «Миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш» бандини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази 8 сентябрь 2021 йилдаги 02/08-1031-сонли

маълумотномаси). Натижада аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳаракати, мақсадли ислохотларни кенг халқ оммасига етказиш, жамиятда фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, бунда зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндалари салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда тизимли тарғиботни амалга оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, ОАК рўйхатидаги журналларда 9 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 12 та маъруза ва тезислар, 1 та монография нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, ўн икки параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олган. Диссертациянинг ҳажми 239 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Ижтимоий муносабатларни баҳолашнинг илмий-методологик асослари**» деб номланиб, ижтимоий муносабатлар тизимида шахслараро меҳрлилик даражасини ўрганиш назариялари таҳлили, меҳр тушунчасининг таркиби ва мазмуни, меҳр ҳодисасига муносабатнинг халқаро тажрибалари таҳлил қилинган.


Меҳр инсонлараро муносабатларда намоён бўладиган руҳий-маънавий жараён бўлиб, шахснинг бошқаларга кўрсатадиган англаниган эмпатик муносабатини ифодалайди. Бошқаларнинг ҳаёти, муаммолари, мақсад ва интилишларига қуюнчаклик, ҳамдардлик, ҳамжиҳатликни мужассам этади. Меҳр инсонлараро муносабат босқичида шаклланиб шахснинг жамоаларга, жамиятга ва давлатга бўлган позитив шукрона муносабати тарзида трансформациялашади.

Бобда инсонларнинг ўзаро мулоқотда бир-бирларига меҳрибонлигини намоён қилиши яқинлик, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатликни ифодалашни, меҳрлилик инсонда хотиржамлик, бахтиёрлик, самимийлик, ишонч, қувонч каби ижобий руҳий кайфият бағишлаши назарий таҳлил қилинган.

Меҳр нафақат иррационал, балки рационал аҳамият ҳам касб этади. Ўрганишлар бугунги кунда меҳр тушунчасининг ижтимоий аҳамияти ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Социологик сўровларда одамлар ўзаро меҳр кўриш ва меҳр кўрсатиш билан боғлиқ эҳтиёжларидан қоникмаётганларини билдиришган. Бугунги кунда одамлар орасидаги меҳрлиликка муносабат ўрганилганда қуйидагича нисбат аниқланди:

Шахсларо меҳрлиликка муносабат¹³

1-диаграмма




Шу билан бирга, жамиятда меҳрсизлик муаммоси ҳам борки, бу одамлар орасидаги инсонийлик туйғуларини топташ, жамият аъзоларининг бир бирини тушунмаслиги ва адоват, нафрат, худбинлик каби туйғуларни келтириб чиқаришга хизмат қилади. Меҳрсизлик жамиятда ёлғизлик, тортинчоқлик, тажовузкорлик, келишмовчилик, кўнглисиниқлик, оилавий жанжаллар, бефарқлик, тошбағирлик, асабийлик, шафқатсизлик каби салбий оқибатлар билан намоён бўлади.

Инсоннинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишида гўдаклик, илк болалик, ўсмирлик, ёшлик даврлари муҳим аҳамият касб этади. Ота-она ва яқинларнинг меҳри, оиладаги ижтимоий-психологик муҳит бу борада ўзига хос аҳамият касб этади. Жамиятда меҳрсизлик салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги жамоатчилик фикри ўрганилди.

Меҳрсизлик салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинми?

2-диаграмма


¹³Ушбу анкета сўрови 2021 йил январь-май ойларида Тошкент, Фарғона, Самарқанда, Бухоро, Хоразм вилоятларида ўтказилган. Тадқиқотда 5 та вилоят ва уларнинг таркибидаги 21 та туман камраб олинган. Унда аҳолининг 18 ёшдан юқори бўлган 2200 нафари иштирок этган.



Меҳрга мойил бўлмаган инсон қаҳрга мойилдир. Оила аъзоларининг бир-бирига самимий муносабати, хушмуомалалиги, қайғуриши, шунингдек меҳнат жамоаси томонидан ходимга билдирилган ишонч, тушуниш, қадрлаш, рағбатлантиришлар, давлатнинг фуқароларга нисбатан адолатли қонунлари, авф, амнистиялари ва шуларга ўхшаш жараёнлар инсонга яқунловчи фикрни, яъни уларга нисбатан бўлган меҳр туйғусини оширишига сабаб бўлади.

Кимларни кўпроқ меҳрга муҳтож деб биласиз?

3-диаграмма



Қадимдан эзгулик, меҳр тушунчалари шарафланиб келинаётган фазилатлар бўлса-да, гоҳо уларнинг акси – зўравонлик ва қаҳр одамнинг табиатига сингиб қолаётганини кузатиш мумкин. Бегоналарнинг эмас, балки яқин кишиларнинг бефарқлиги, меҳрсизлиги, риёкорлиги ва тошбағирлиги одамларга бўлган қалбдаги ишончни, меҳрни сўндиради.

Одамзот меҳр кўрсатиб нафақат инсонга, балки барча яратилган мавжудодга ўзининг самимий муносабатини ифодалайди. Инсон туғилган заҳоти ота-онанинг меҳрини туяди. Улғайган сари атрофдагиларнинг меҳридан баҳраманд бўлиши инсонни ҳар қандай қийинчиликлардан олиб ўтадиган кучга айланади. Шу тариқа меҳр, маълум маънода, ирсият орқали мерос бўлади.

Атрофдагиларга меҳрингизни қайси кўринишда намоён қиласиз?



Контент анализ асосида қуйидаги тушунчалар таҳлилини келтириш мумкин:

- меҳр инсоннинг табиий руҳий эҳтиёжи;
- инсон доимо меҳрга муштоқ;
- меҳр ижобий омил;
- меҳр фазилат;
- меҳрда билимлиликнинг ҳал қилувчи ўрни бор;
- меҳр ўзаро меҳнат асосида мустаҳкамланади;
- меҳр инсонни синовлардан олиб ўтадиган куч;
- меҳр чегара билмайди;
- меҳр берган сари ошиб боради ёки акс ҳолда сусаяди;
- меҳр кўзда, қўл тафтида, қучоқлаб кўришганда ошади ва ҳ.к.;
- юзига тарсаки туширганда, кўкрагидан итарганда, иззат-нафсини топганда, энг керакли пайтда қўллаб-қувватламаганда меҳр сўнади ва ҳ.к.;
- меъёр ва шукр бу ҳаётининг мезонининг муҳим икки омили. Нимаики меъёрдан ошса, ўзининг аксига айланади;
- меҳр ўзаро интеракцион (киришиш, бирикиш) аҳамиятга эга;
- меҳр ижтимоий регулятив хусусиятга эга. Ўз феноменига кўра ихтиёрийликка асосланади;
- ота-она меҳрининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди кабиларни келтириш мумкин.

Меҳр ҳодисаси бир томондан, ҳиссий билиш жараёнида тажрибага асосланса, иккинчидан, ақлий билиш, яъни тафаккурга таянади. Ота-она, атрофдагиларнинг меҳри ҳиссий ҳисобланса, шахснинг ўзи улғайиш давомида ортирган тажрибаси, ўғитларга амал қилиб яшаши, яъни меҳр кўриши ҳамда онгли равишда ўзи ҳам атрофдагиларга меҳр кўрсата олиши, унинг тафаккурига боғлиқдир.

Меҳр ахлоқнинг таянч устуни ҳисобланади. Силлогизмнинг умумийликка асосланган хулоса чиқариш усулига кўра инсонни ҳар қандай синовдан эсон-омон олиб ўтадиган куч унинг яхши фазилатларидир.

Меҳр тарбиянинг таянч асосларидан бири. Халқимизда меҳрни бола шахсида меҳнат асосида ривожлантириш миллий тарбиянинг ўзаги бўлиб келган. Ота-она, оила аъзолари, устозлар, меҳмонларга иззат-икром

кўрсатиш, уларга эътибор билан юмушларига ёрдам бериш меҳр тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади.

Меҳрга асосланган маданият халқимиз онгида азалий қадрият сифатида чуқур ўрин эгаллаган. Бугунги кунда меҳрни замондошларимиз орасида тор доирада англаш ва талқин қилиш кузатилмоқда. Бу тушунчани ҳар томонлама тўлақонли англаш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллар онанинг фарзандига бўлган меҳри инсоний меҳрлар ичида энг юксаги эканлигини кўрсатмоқда. Бола учун уч ёшгача онанинг қучоғи доим очик бўлиши, ўзи хоҳлаган пайтда кириб-чиқа олиши, ўзини тўлик эркин ҳис қила олиши керак. Болани бошини силаш, юзидан ўпиш, овқатлантириш, қучоқлаб бағрига босиш, кўтариб юриш, самимий табассум қилиш, эркалаш, суҳбат, мулоқот, ювинтириш, кийинтириш каби юмушлар онанинг болага меҳрини оширади. Узоқ, давомли, тинимсиз, машаққатли меҳнат онанинг ўз фарзандига юксак даражадаги боғлиқлигини, самимий меҳрини намоён қилишига олиб келади. Ўтказилган тадқиқотлар жараёнида меҳнат, иш, хизмат ўзаро муносабатлардаги субъектларнинг бир-бирига меҳрини пайдо бўлиши ва барқарорлашувига хизмат қилиши маълум бўлди.

Тадқиқотлар жараёнида нафақат онанинг боласига, балки ўзаро муносабатларнинг бошқа субъектлари томонидан меҳрни ифодаловчи тушунчаларни ажратиб, индикаторлар сифатида таҳлил қилинди.

Демократик тамойилларга асосланган халқимизнинг фуқаролик онгини шакллантиришда меҳр функционал аҳамиятга эга. Меҳр ҳар қандай таҳдидларга қарши курашишда муаммонинг назарий ва амалий асосларини ёритишга кўмак бера олади. У ахлоқий меъёрлар йўналиши сифатида баркамол шахс тарбиясининг асосий мезонларини белгиловчи муҳим тушунчалардан бири ҳисобланади.

Ёшлар тарбиясида мактов ва муаммолардан кўз юмиш ёки кўпроқ танқид қилиш ҳам боланинг тўғри йўлни танлашида қийинчилик туғдиради. Маълумки, меҳрсизлик ёлғизликни келтириб чиқарувчи омиллардан бири саналади. Бу айниқса Ғарб мамлакатларида кўплаб салбий оқибатларни кўрсатмоқда. Мактабларда ёш балаларнинг курул билан ўз тенгдошларини ёппасига отиб ўлдиришга уринишлари меҳрсизликнинг яққол кўриниши сифатида барчани ташвишга солмоқда.

Етарли меҳр кўрмаган кишилар депрессия ва тушкунликка тушади. Ўзида меҳр, эътибор етишмаётганини ҳис қилаётган инсон ўзини кам жозибали, ҳеч ким севмайдиган ва ҳурмат қилмайдиган киши деб ҳисоблайди. Ўзига нисбатан бундай муносабат махсус салбий аффектлар, жумладан, нафрат, ғам-андух, бахтсизлик каби ҳисларни вужудга келтиради. Бундай инсон ижтимоий алоқалардан ўзини олиб қочади.

Бизда кечадиган ҳислар мазмунига кўра, нохуш ёки хушқайфият ҳосил қилувчи ҳолатлар бўлиб, бири хузур бахш этса, бошқаси беҳузур қилиб қўяди. Кишининг бирор нарсага муносабати ҳамиша ижобий ва салбий кечинмалар орқали бўлади. Тўғри овқатланиш киши танасига хузур бағишласа, нотўғри овқатланиш эса беҳузурлик бағишлайди. Жисмоний танадан ташқари инсоннинг руҳий дунёси борки, унинг хузурланиши меҳр

билан бўлса, меҳрсизлик унга беҳузурлик келтиради. Ҳузур қилиш, суюниш, бахтиёрлик, қувониш, шодланиш ва яхши кўриш каби ҳислар яхши кайфият уйғотувчи ижобий муносабат натижасидир. Беҳузурлик, қайғуриш, хафалик, ғам-ғусса, ноумидлик, ёмон кўриш, жирканиш, нафрат каби ҳислар салбий туйғулардир.

Ижтимоий ҳамкорликнинг негизларидан бири бўлган меҳрга бугунги кунда бутун дунёда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бутунжаҳон меҳрибонлик ҳаракатини¹⁴ ташкил этиш ғояси 1997 йил 13 ноябрда Токио анжуманида илгари сурилган. Анжуманда «Яхшилик декларацияси» эълон қилинади. Унда «Меҳрибон ва раҳмдил дунёни барпо этиш учун бирлашишга ваъда беришлари» ҳақида сўз юритилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун 13 ноябрь кунини «Халқаро меҳрибонлик куни» сифатида нишонлашга келишиб олинган. Ҳозирда бу кунни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан расман эътироф этиш бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Дунёнинг 47 мамлакати ушбу ташкилотга қўшилган.

Ўзбекистон ўз тараққиётида куч ва тазйиққа эмас, балки меҳрга таянаётгани, дунёда меҳр маданиятининг куч маданиятига нисбатан қўллаб-қувватланилаётгани, жумладан, бу давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатда ҳам яққол намоён бўлаётгани, мамлакатимизда меҳрга асосланган маърифий жамият барпо этиш ҳақидаги ғоялар ишда ўз аксини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Бутунжаҳон меҳрибонлик ҳаракатига қўшилишининг бир қанча муҳим жиҳатлари кўзга ташланмоқда. Биринчидан, Бутунжаҳон меҳрибонлик ҳаракати ташкилоти халқаро аҳамиятдаги ижобий куч ҳисобланади. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг ушбу халқаро ҳаракатга қўшилиши унинг дунёда тобора ошиб бораётган нуфузини янада ошишига ижобий туртки беради. Учунчидан, мамлакатимиздаги ижтимоий муҳитни жаҳоннинг илғор тажрибалари, анъаналари билан бойитишга имкон яратади. Жумладан, «Халқаро меҳрибонлик куни», «Халқаро меҳр ҳафталиги» тадбирларини ўтказиш билан давлатнинг ижтимоий сиёсатда жамиятдаги бошқа тизимлардан ортда қолмаган ҳолда фаоллашувини таъминлашга хизмат қилади. Тўртинчидан, мамлакат аҳолисининг дунё халқлари билан барқарор ва маданий интеграциялашувида ўзига хос аҳамият касб этади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Миллий маънавий ўзлигимиз тизимида меҳр омили ва унинг ижтимоий таснифи**» деб номланиб, меҳр тушунчасининг манбалардаги тарихий социологик таҳлили, меҳр туйғусининг турли аҳоли қатламлари вакилларида аффилиатив (ўзаро яқинлик) негизда социологик идрок этилиши, меҳр тушунчасининг ижтимоий муносабатларни консенсус даражасида юксалтиришдаги роли таҳлил қилинган.

Ушбу бобда меҳр ижтимоий муносабатлар шакли сифатида ҳимоя, мақсадлар бирлиги, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, одамларни рози қилиш,

¹⁴Бутунжаҳон меҳрибонлик ҳаракати ташкилоти 2019 йилда Швейцарияда нодавлат ташкилоти сифатида рўйхатга олинган.

ижтимоий йўналганликни ўзида акс эттириши баён этилган. Жамиятнинг ижтимоий таркиби, ижтимоий гуруҳлари ва уларнинг табақаланиши белгилари тизимини ўзида акс эттириши таҳлил қилинган.

Ижтимоий муносабатлар тарихида кўплаб олимлар, алломалар меҳр тушунчасига инсоний муносабатларни позитивлаштирувчи омил сифатида эътибор қаратганлар. Бу тушунча жамият барқарорлиги учун ўзига хос ижтимоий мезон касб этиб келган. Қадимий ёдгорликлар ва битиклардан бошлаб, ҳозирги давргача бунга гувоҳлик берувчи манбалар мавжуд. Диний таълимотларда ҳам меҳр тушунчасига алоҳида эътибор қаратилиб, уни тарбиянинг муҳим воситаси сифатида талқил қилинган.

Меҳр тушунчаси халқимиз қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари ва байрамларида ўз аксини топган. Қадимдан юртимизда куз фаслида нишонланадиган умумхалқ байрами «Меҳржон» деб номланган. Зардуштийлар қуёш ва унинг тангриси – «Митра»ни илоҳий куч сифатида улуғлашган. Қадимги халқлар қуёшни «Меҳр» деб аташган ва борлиқдаги энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик бунёдкори деб билишган.

Инсон зоти доимо меҳр-муҳаббат, иззатлаш туйғуларига эҳтиёж сезиб келган. Айниқса, болалар меҳрга жуда ҳам муҳтож бўлади. Инсонни, меҳрни улуғловчи Ислом дини болаларга меҳр-муҳаббат кўрсатишни ота-оналар зиммасига масъул вазифа сифатида юклаган. Манбаларда келтирилишича, Пайғамбар Муҳаммад с.а.в. барча мўмин мусулмонлар учун бу борада ўрناق ҳисобланган.

Аффилиация (лотинча *affinis* – боғлиқ, *filialis* – филиал: яқин алоқада бўлиш, иштирок этиш, ҳамкорлик, шериклик маъноларини билдиради) одамнинг атрофдаги кишилар билан ҳиссий яқинлашишига, улар билан яхши инсоний муносабатларни ўрнатиш, сақлаш ва мустаҳкамлашга бўлган эҳтиёжини англатади. Танишлик, ўртоқлик, дўстлик муносабатлари шулар жумласидандир. Одамнинг мулоқотга, эмоционал ҳамдардликка бўлган эҳтиёжини амалга ошириш, бошқа одамлар билан ҳамкорлик қилиш, алоқага киришиш, дўстлашиш истагини рўёбга чиқариш бу тушунчанинг моҳиятини ифода этади.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда аҳолининг моҳиятан янги, турли қатламлари шаклланиб, жамиятда ўзининг ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Жумладан, хизмат соҳаси вакиллари, фермерлар, тадбиркорлар, ахборот технологиялари ходимлари, блогерлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Аффилиатив негизда меҳр ҳодисасининг ижтимоий-маданий асосларини шакллантириш, меҳр ва меҳрлилик билан боғлиқ муносабатларни кенг кўламда ижтимоий муносабатларнинг ўзаги сифатида қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятда консенсус (лот. *Consensus* – яқдиллик, келишув) розилик, яқдиллик, келишувни англатади. Меҳр тушунчасининг ижтимоий муносабатларни консенсус даражасига юксалтиришдаги роли жамиятни янада ривожлантириш, ижтимоий барқарорликни таъминлашда намоён бўлади.

Диссертацияда консенсус икки ёки ундан кўп одам ўртасида ўхшаш когнитив ва амалий йўналишлар мавжудлиги, улар ҳар қандай жиҳатдан ўзаро таъсир ва ўзаро тушунишни ўрнатишга имкон берувчи тушунча сифатида таҳлил қилинади. Шунингдек, ишда консенсус, барқарорлик ва тартиб бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳодисалар сифатида яхлит олиниб, ўрганилган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ижтимоий муносабатларда меҳрлилик даражасини юксалтиришда социологик шкалалаштириш методини татбиқ этиш имкониятлари»** деб номланган. Мазкур бобда шахслараро муносабатларда меҳрлилик даражасини рақамлаш технологиялари асосидаги таҳлили, меҳрнинг интеракцион жараён таъсирида шаклланиши, замонавий раҳбар имиджини шакллантиришда *soft skills* – юмшоқ кўникмаларнинг¹⁵ ўрни илмий таҳлил қилинган.

Меҳр ва меҳрлилик ижтимоий муносабатлар тизимида мураккаблиги ва кўп қиррали тизим ясовчи элементлиги билан характерланади. У инсонни дастлабки ижтимоий муносабатга киришишида ота-она тимсоли ва ғамхўрлигида намоён бўлади. Меҳр бир вақтнинг ўзида индивидларнинг ўзаро таъсири, ахборот алмашинуви, бир шахснинг бошқа шахсга позитив муносабати, бир кишининг бошқаларга ижобий таъсир кўрсатиши, инсонларнинг бир-бирига ҳамдардлиги, ўзаро тушуниш муҳити, одамларни ҳамжиҳатлик ҳолатига келтириш жараёни ҳамдир.

Маълумки, ҳозирги кунда дунёнинг антропологик қиёфаси ҳам ўзгаришга юз тутиб, умумий ахлоқ, муайян мазмундаги маънавий қиёфани таркиб топтириш учун кураш босқичига кирган. Ўзаро тушуниш муҳити эса умумий феъл-атвор, умумий менталитетни тақозо этади. Ижтимоий, маданий, сиёсий, иқтисодий ва информацион глобаллашув тенденциялари ахлоқ, сиёсат ҳамда феъл-атворнинг стандартлашувига олиб келмоқда.

Жамиятда меҳрли муносабатларнинг кенгайиши инсонларда умумий мақсадлилик, ҳамдардлик, ғамхўрлик каби сифатларнинг ривожланиб боришига олиб келади.

Меҳрни қўллаш географиясини онгли тарзда кенгайтириш, айниқса уни англаган характерлар, иродавий сифатлар орқали кучайтириш, меҳрли бўлишга интилиш ҳаракатини оммалаштириш мазкур ижтимоий ҳодисани шаклланганлик даражасидан такомиллашув даражасига юксалтириш умуминсоний ижтимоий сақланиш омилидир. Меҳрлилик бу бир вақтнинг ўзида шахсларнинг ўзаро муносабатлари жараёни сифатида ҳам, ахборот жараёни сифатида ҳам, уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабати сифатида ҳам намоён бўлувчи кўп қиррали, ўзаро тушуниш жараёнидир. Ишда ассертивлик (эътиборлилик) тушунчаси ҳам бевосита меҳр билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинган.

¹⁵*Soft skills*, яъни юмшоқ кўникмалар ходимни ишга қабул қилиш ва фаолияти жараёнини ҳаётий тажриба ҳамда ахлоқий сифатларидан келиб чиқиб баҳолаш тизими (мас.стрессга бардошлилик, бошқарувда самарали қарорлар қабул қилиш, меҳрибонлик, ғамхўрлик каби сертификатланмаган, билим, тажриба ва кўникмаларга асосланган жиҳатлар) бўлса, *heavy skills*, яъни каттик кўникмалар зарур касбий маҳоратга эга бўлган сертификатлар ва дипломларни талаб қилади.

Диссертацияда «Меҳрлилик даражасини баҳолаш индикатори» (1-жадвал) бир ўлчамли баҳолаш шкаласи сифатида асосланган. Мазкур шкала шахслараро муносабатларда меҳрилилик даражасини баҳолаш имконини яратади. Ҳар бир шахс ўзининг бошқа бир шахсга нисбатан меҳрлилик даражасини баҳолаши мумкин. Бу ассессментлаш ўзаро меҳрга асосланган муносабатларни қайта кўриб чиқиш имкониятини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Оила ва меҳнат жамоаларида қўллаш орқали шахслараро муносабатларда меҳр ҳамда меҳрлилик даражасини ассессментлаш ва уни ошириш билан жамиятда фаоллик ва барқарорликни таъминлаш мумкин. Хусусан, мазкур индикаторларга асосланган бир ўлчамли шкала билан қуйидаги:

1-жадвал

1.	- онанинг фарзандига	- фарзанднинг онасига
2.	- отанинг фарзандига	- фарзанднинг отасига
3.	- опанинг сингилга	- сингилнинг опасига
4.	- аканинг укага	- уканинг акасига
5.	- бобонинг неварасига	- неваранинг бобосига
6.	- бувининг неварасига	- неваранинг бувисига
7.	- эрнинг хотинига	- хотиннинг эрига
8.	- қайнонанинг келинига	- келиннинг қайнонасига
9.	- бир дўстнинг иккинчисига	- иккинчи дўстнинг биринчисига
10.	- бир ишчининг иккинчисига	- иккинчи ишчининг биринчисига
11.	- раҳбарнинг ходимга	- ходимнинг раҳбарга
12.	- ўқитувчининг ўқувчисига	- ўқувчининг ўқитувчисига

ва ҳ.к. бўлган меҳрлилик даражасини ассессментлаш, оилавий ҳамда жамоадаги муносабатларда барқарорликка эришишга кўмаклашиш мумкин.

Мазкур шкала шартли равишда икки қисмдан иборат. Юқорида белгиланган баҳолаш учун умумий бўлган демография ва шкаланинг умумий қобиғи ҳамда мазкур 12 турдаги муносабатни баҳолаш учун аллоҳида шакллантириладиган меҳрнинг таянч тушунчалари, яъни индикаторларидан ташкил топган.

Юқорида келтирилган меҳрга асосланган 12 турдаги муносабат шакли ва уларга иккинчи томоннинг муносабатини баҳолаш учун ҳар бир тоифанинг меҳрилиликни ифодаладиган тушунчалари фокус-гурӯх тадқиқоти орқали белгилаб олинади ва шкала бирликлари индикаторлар сифатида киритилади.

Индикатор асосида бир шахс (анкета тўлдирувчи)нинг иккинчи шахсга нисбатан муносабатларидаги меҳрлилик даражаси баҳоланади. Қуйидаги шкалада фокус-гурӯх тадқиқоти асосида ҳар бири 25 нафардан иборат 5 та гуруҳда оналарнинг боласига меҳрини ифодаловчи тушунчалар танлаб олинган. Бу тушунчаларнинг меҳрни ифодалаши бўйича экспертлар фикри олинган.

**МЕХРЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРИ¹⁶:
(Онанинг боласига бўлган меҳри)**

ТЎЛДИРУВЧИ ШАХС:	КИМ УЧУН ТЎЛДИРИЛАДИ:
Ф.И.Ш.:	Ф.И.Ш.:
Ёши:	Ёши:
Жинси:	Жинси:
Ижтимоий келиб чиқиши:	Касби:
Касби:	Манзили:
Манзили:	Сана: йил:

Т/р	Понятия	Количество ежедневных действий (примерно в среднем)	Ўз муносабатингизни 5 баҳода баҳоланг
1. Меҳрнинг контактли шакллари:			
1.	Бағрига босиш		
2.	Саломлашиш		
3.	Юзидан ўпиш		
4.	Юзини силаш		
5.	Бошини силаш		
6.	Овқатлантириш		
7.	Елкасини силаш		
8.	Пешонасидан ўпиш		
9.	Кўтариб юриш, опичлаш		
10.	Қўлтиқ остидан юқорига кўтариб эркалаш		
11.	Кийинтириш		
12.	Ҳадялар бериб туриш		
13.	Уқалаб қўйиш		
14.	Ухлаганда ўпиб қўйиш		
15.	Эрталаб уйғотиш		
